SHAHRISABZ TUMAN HOKIMINING QARORI

2017 yil "28" январ X-103/01- sonli Shahrisabz shahri

Туманда 2017 йилда транспорт воситаларини мажбурий техник кўрикдан ўтказиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 31 январдаги 54-сонли қарори билан тасдиқланган «Транспорт воситаларини мажбурий техник кўрикдан ўтказиш тартиби тўғрисида»ги низомини ижросини таъминлаш максадида хамда «Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида»ги қонуннинг 6-моддасига асосан

ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. Туман ҳудудида жойлашган барча юридик ва жисмоний шахсларга тегишли бўлган транспорт воситалари мажбурий техник кўрикдан ўтказилсин.

2. Мажбурий техник кўрикдан ўтказиш бўйича туман комиссиясининг таркиби 1-иловага, техник кўрикдан ўтказиш жадвали 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

3. Транспорт воситалари қўйидаги даврийликка мувофиқ техник кўрикдан ўтказилсин.

Тижорат асосида йўловчилар ташиш учун фойдаланиладиган енгил автомобиллар, автобуслар ва ўтириладиган жойлар сони 8 та ва ундан ортиқ бўлган, одамларни мунтазам ташиш учун жиҳозланган юк автомобиллари, йирик габаритли, оғир вазнли ва хавфли юкларни ташиш учун махсус транспорт воситалари ва уларга тиркамалар - бир йилда икки марта;

Ишлаб чиқарилганлигига беш йилдан кўп бўлмаган транспорт воситалари (мазкур банднинг иккинчи хатбошида кўрсатилган транспорт воситаларидан ташқари) икки йилда бир марта;

Ишлаб чиқарилган йилини ҳисобга олган ҳолда ишлаб чиқарилганлигига беш йилдан ортиқ бўлган транспорт воситалари, шунингдек ишлаб чиқарилган вақти аниқланмаган транспорт воситалари (мазкур банднинг иккинчи хатбошида кўрсатилган транспорт воситаларидан ташқари) – бир йилда бир марта;

Тиркамалар кўрикка транспорт воситаси – шатакчи учун белгиланган муддатларда;

4. Қарорнинг 3-банди иккинчи хат бошида кўрсатилган транспорт воситаларининг техник кўриги:

Биринчи марта – 1 март - 30 июнда;

Иккинчи марта – 1 сентябр - 31 октябрда ўтказилади;

Юридик шахсларга тегишли бўлган транспорт воситаларининг техник кўриги 1 март - 30 июнда ўтказилади;

Жисмоний шахсларга тегишли бўлган транспорт воситаларининг техник кўриги 1 январ - 31 августда ўтказилсин.

5. Транспорт воситаларини мажбурий техник кўрикдан ўтказиш туман комиссияси раҳбарига:

Транспорт воситаларининг техник ҳолати, улардан фойдаланиш нормалари ва қоидаларига риоя этилиши устидан самарали назоратни ташкил этиш;

Транспорт воситаларининг техник ҳолати ва ускуналари йўл ҳаракати хавфсизлиги стандартлари, қоидалари, нормаларига мувофиқлигини баҳолаш юклатилсин.

6. Тумандаги барча транспорт воситалари эгалари бўлган юридик ва жисмоний шахсларга транспорт воситаларини техник паспорти билан биргаликда техник кўрикдан ўтказилишини, уларнинг техник жиҳатдан созлигини ва ўз вақтида режа жадвал асосида кўрикдан ўтказиш мажбурияти юклатилсин.

7. Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 31 январдаги 54-сон «Транспорт воситаларини мажбурий техник кўрикдан ўтказиш тартиби тўғрисида низомни тасдиқлаш тўғрисида»ги қарори 3-бандига кўра Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги, Ички ишлар вазирлигининг ички ва соқчилик қўшинлари, Миллий хавфсизлик хизматининг ҳарбий бўлинмалари транспорт воситалари кўрсатиб ўтилган идоралар томонидан белгиланган тартибда мажбурий техник кўрикдан ўтказилиши инобатга олинсин.

8. Транспорт воситалари техник кўрикдан ўтказилганлиги учун Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 31 январдаги 54-сон қарори билан тасдикланган «Транспорт воситаларини мажбурий техник кўрикдан ўтказиш тартиби тўғрисида»ги низомга мувофиқ йиғим ундирилсин.

9. Мазкур қарор ижросини назорат қилиш туман ҳокимининг биринчи ўринбосари А.Сафаров зиммасига юклатилсин.

10. Ушбу қарор қабул қилиниши муносабати билан туман ҳокимининг 2016 йил 5 февралдаги Х-454/02 сонли “Туманда 2016 йилда транспорт воситаларини мажбурий техник кўрикдан ўтказиш тўғрисида”ги қарори ўз кучини йўқотган деб топилсин.

11. Қарор расман эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

ASLIGA TO'G'RI
UMUMIY BO'LIM


Туман ҳокими **И.Н.Нусуров**

Шахрисабз туман хокимининг
2017 йил «28» январдаги
Х-1030сонли карорига 1-илова

Шахрисабз тумани ҳудудида 2017 йил автомототранспорт воситаларини техник кўрикдан ўтказиш комиссияси

Т А Р К И Б И

Комиссия раиси Ф.Овлаев	-туман ИИБ автомототранспорт воситаларининг техник ҳолати, улардан фойдаланиш нормалари ва қоидаларига риоя этишини назорат қилиш бўлинмаси бошлиғи, капитан
Аъзолари Ш.Исахонов	-туман ИИБ автомототранспорт воситаларининг техник ҳолати, улардан фойдаланиш нормалари ва қоидаларига риоя этишини назорат қилиш бўлинмаси катта инспектори, кичик сержант
Д.Сафаргалиев	-туман мудофаа ишлари бўлими бошлиғи ўринбосари подполковник
Э.Ҳасанов	-туман тиббий тез ёрдам бўлими ҳайдовчиси
М.Бегалиев	-туман табиатни муҳофаза қилиш инспекцияси бошлиғи
Ҳ.Хомидов	-Кафолат ДАСК Шаҳрисабз бўлими бошлиғи
З.Тухтаев	-туман Агросуғурта бўлими бошлиғи
У.Аликулов	-Шаҳрисабз шаҳар йўловчи ташиш транспорт бошкармаси етакчи мутахассиси
	Вилоят синов ва сертификатлаш марказидан туманга бириктирилган вакил



Шахрисабз туман хокимининг
2017 йил «28» марта даги
Х-1034 сонли қарорига 2-илова

Шахрисабз туманида мавжуд бўлган ташкилот, корхона ва автохўжаликларга тегишли автомототранспорт воситаларининг 2017 йилги мажбурий техник кўрикдан ўтказиш

Ж А Д В А Л И

№	Автохўжалик ва ташкилотлар номи	Жойлашган манзили	Кўрикдан ўтадиган кун	Вақти	Кўрикдан ўтадиган жойи	Транспорт воситаси сони
1	Ипотека банки	И.Йўли кўча	1.03	8.00	Автосаройи	3
2	Халқ банки	И.Йўли кўча	1.03	13.00	Автосаройи	1
3	Тўрон банки	И.Йўли кўча	2.03	8.00	Автосаройи	2
4	Ипак йўли банки	Пиллакашлик кўч	2.03	13.00	Автосаройи	2
5	"Агросуғурта" ДАСК	Т.Боходир кўча	3.03	8.00	Автосаройи	1
6	"Кафолат" ДАСК	И.Йўли кўча	3.03	13.00	Автосаройи	1
7	Тиббиёт коллежи	И.Йўли кўча	6.03	8.00	Автосаройи	1
8	Педагогика коллежи	Лолистон к/қ	6.03	13.00	Автосаройи	1
9	Тўра Аскар к/к	Ғ.Ғулом кўча	7.03	8.00	Автосаройи	1
10	Солиқ инспекцияси	Ғ.Ғулом кўча	7.03	13.00	Автосаройи	1
11	Дон ризқ рўзимиз	Беруний кўча	9.03	8.00	Автосаройи	7
12	Шахрисабз Фарм	Беруний кўча	9.03	13.00	Автосаройи	1
13	Шарқ к/к	Пахтакор кўча	10.03	8.00	Автосаройи	7
14	Абдурауф к/к	Пахтакор кўча	10.03	13.00	Автосаройи	3
15	Иктисодиёт коллеж	Т.Боходир кўч	13.03	8.00	Автосаройи	10
16	Ветеринария бўлим	Пахтакор кўча	13.03	13.00	Автосаройи	2
17	МТП ДАЖ	И.Йўли кўча	14.03	8.00	Автосаройи	3
18	Агротехсервис МТП	И.Йўли кўча	14.03	13.00	Автосаройи	1
19	Нон заводи	Т.Боходир кўч	15.03	8.00	Автосаройи	3
20	Мерос МЧЖ	Т.Боходир кўч	15.03	13.00	Автосаройи	3
21	Ватанпарвар мактаби	Синабоғ к/қ	16.03	8.00	Автосаройи	13
22	Дунё МЧЖ	Андижон кўча	16.03	13.00	Автосаройи	1
23	Шахрисабз газ филиали	Шерозий кўча	17.03	8.00	Автосаройи	12
24	Кеш мехри кўзи ожиз.	Шерозий кўча	17.03	13.00	Автосаройи	2
25	ПМК-130 АБЗ	Пиллакашлик кўч	20.03	8.00	Автосаройи	4
26	Кумуш тола МЧЖ	Пиллакашлик кўч	20.03	13.00	Автосаройи	5
27	Марказ сувдренаж	Тутзор маҳал	22.03	8.00	Автосаройи	8
28	Молия бўлими	И.Йўли кўча	22.03	13.00	Автосаройи	1
29	Чоршанбе коллежи	Чоршанбе кўрғ	23.03	8.00	Автосаройи	8
30	Ботир МЧЖ	Полмон к/қ	23.03	13.00	Автосаройи	2
31	Тиббиёт бирлашма	И.Йўли кўча	24.03	8.00	Автосаройи	11
32	Академик лицей	Шахрисабз кўча	24.03	13.00	Автосаройи	1
33	Чоршанбе УСТКК	Чоршанбе кўрғ	27.03	8.00	Автосаройи	6
34	2-сонли шифохона	Чоршанбе кўрғ	27.03	13.00	Автосаройи	14
35	Нефтбаза	И.Йўли кўча	28.03	8.00	Автосаройи	13
36	Озик-овқатлар МЧЖ	Пиллакашлик кўч	28.03	13.00	Автосаройи	2
37	Шароб-арақ заводи	И.Йўли кўча	29.03	8.00	Автосаройи	7
38	Автойўл МЧЖ	Андижон кўча	29.03	13.00	Автосаройи	10
39	Оксарой ЛТД	Беруний кўча	30.03	8.00	Автосаройи	8
40	Садо МЧЖ	Беруний кўча	30.03	13.00	Автосаройи	1
41	Хумоюн МЧЖ	Шахрисабз кўча	31.03	8.00	Автосаройи	8
42	Хумоюн АЕҚШ	Шахрисабз кўча	31.03	13.00	Автосаройи	1
43	СЭС	И.Йўли кўча	3.04	8.00	Автосаройи	8
44	КУХЮММ корхонаси	Чоршанбе кўрғ	3.04	13.00	Автосаройи	6
45	Ободонлаштириш бошқ	Низомий кўча	4.04	8.00	Автосаройи	13
46	Махсус санитария корх	Низомий кўча	4.04	13.00	Автосаройи	1
47	Оксув ирригация тизими	И.Йўли кўча	5.04	8.00	Автосаройи	10
48	Кўз касалликлари шифо	Тезгузар к/к	5.04	13.00	Автосаройи	1

49	МК-14	И.Йўли кўча	6.04	8.00	Автосаройи	20
50	Беруний оромгохи	И.Йўли кўча	6.04	13.00	Автосаройи	2
51	Автомобилчи МЧЖ	И.Йўли кўча	7.04	8.00	Автосаройи	15
52	Гидрометерология	И.Йўли кўча	7.04	13.00	Автосаройи	1
53	Хисор давлат кўрикхона	И.Йўли кўча	10.04	8.00	Автосаройи	5
54	Кимё ОҲЖ	И.Йўли кўча	10.04	13.00	Автосаройи	4
55	Кеш-тур-транс МЧЖ	Ғ.Ғулом кўча	11.04	8.00	Автосаройи	38
56	Эстана-сервис МЧЖ	И.Йўли кўча	12.04	8.00	Автосаройи	26
57	ШТЭУ-Авто МЧЖ	Чоштепа к/к	13.04	8.00	Автосаройи	18
58	Трансформеринвест	И.Йўли кўча	14.04	8.00	Автосаройи	27
59	Шухрат Ал-Лукмон	И.Йўли кўча	17.04	8.00	Автосаройи	16
60	Кенжаев Мусурмон	Чоштепа к/к	18.04	8.00	Автосаройи	23
61	Ахмедов Сайфуло МЧЖ	Фарғона кўча.	19.04	8.00	Автосаройи	22
62	Мироки люкс транс	Оммоғон к/к	20.04	8.00	Автосаройи	12
63	Автогешглобус МЧЖ	Янги к/к	21.04	8.00	Автосаройи	18
64	Дилобар Хомидова	Янги к/к	24.04	8.00	Автосаройи	22
65	Бокиев Акобирмирзо	И.Йўли кўча	25.04	8.00	Автосаройи	24
66	Катодтранс МЧЖ	Чоршанбе кўр.	26.04	8.00	Автосаройи	32
67	Мафтунзиё транс МЧЖ	И.Йўли кўча	27.04	8.00	Автосаройи	27
68	Кеш-шах-транс МЧЖ	И.Йўли кўча	27.04	13.00	Автосаройи	22
69	Пулатбобо МЧЖ	Т.Боходир кўча	28.04	8.00	Автосаройи	29
70	Розиков Нодир МЧЖ	Оммоғон к/к	1.05	8.00	Автосаройи	12
71	Илхом МЧЖ	Янги к/к	1.05	13.00	Автосаройи	19
72	Мохим Жаҳонбегим	И.Йўли кўча	2.05	8.00	Автосаройи	14
73	Импекс люкс транс	Янги к/к	3.05	8.00	Автосаройи	16
74	Кеш-Ал-Лукмон к/к	И.Йўли кўча	3.05	13.00	Автосаройи	1
75	Оксарой МЧЖ	Ирговул к/к	4.05	8.00	Автосаройи	8
76	Феруз савдо фирмаси	И.Йўли кўча	4.05	13.00	Автосаройи	2
77	Қашқадарё ЭТ	Беруний кўча	5.05	8.00	Автосаройи	50
78	Шахрисабз МЭТ	Беруний кўча	8.05	8.00	Автосаройи	15
79	Навоий кузатиш станция	И.Йўли кўча	10.05	8.00	Автосаройи	25
80	Муродулла Шербек к/к	Беруний кўча	10.05	13.00	Автосаройи	4
81	Эргаш ўғли Абдуваси	Оммоғон к/к	11.05	8.00	Автосаройи	3
82	Ботир полвон МЧЖ	Ф.Хужаев кўча	11.05	13.00	Автосаройи	1
83	Кешавтотранс МЧЖ	Тараккиёт кўча	12.05	8.00	Автосаройи	12
84	Дустиёров М. к/к	Оммоғон к/к	12.05	13.00	Автосаройи	1
85	Шахрисабз ТИХПТФК	Низомий кўча	15.05	8.00	Автосаройи	8
86	ММК-227	Низомий кўча	15.05	13.00	Автосаройи	4
87	ПМС-214	Танхоз кўр.	16.05	8.00	Автосаройи	10
88	Эргашев У. фирмаси	Танхоз кўр.	16.05	13.00	Автосаройи	2
89	Ноъруда материаллари	Танхоз кўр.	17.05	8.00	Автосаройи	20
90	Шахри кеш фирмаси	И.Йўли кўча	17.05	13.00	Автосаройи	3
91	Жанубий геология кид	И.Йўли кўча	18.05	8.00	Автосаройи	34
92	Хумо темир бетон МЧЖ	Мираки кўр.	19.05	8.00	Автосаройи	20
93	Аёллар мурувват уйи	Мираки кўр.	19.05	13.00	Автосаройи	3
94	Хисорак сув омбори	Мираки кўр.	22.05	8.00	Автосаройи	20
95	Мираки ГЭС	Мираки кўр.	23.05	8.00	Автосаройи	4
96	Мираки санаторияси	Мираки кўр.	23.05	13.00	Автосаройи	1
97	Китоб кўрикхонаси	И.Йўли кўча	24.05	8.00	Автосаройи	3
98	Агросувжихоз инвест	Наматон к/к	24.05	13.00	Автосаройи	2
99	Хисорак трести	Пиллакашлик	25-26.05	8.00	Автосаройи	50
100	Экоконсерва барака	Пиллакашлик	29.05	8.00	Автосаройи	6
101	Алфия МЧЖ	Ғ.Ғулом кўча	29.05	13.00	Автосаройи	1
102	Матбуот таркатувчи	И.Йўли кўча	30.05	8.00	Автосаройи	2
103	Агрофирма МЧЖ	Фарғона кўча	30.05	13.00	Автосаройи	3
104	Юлдуз фирмаси	Сагдий кўча	31.05	8.00	Автосаройи	1
105	Тўрон МЧЖ	Янги к/к	31.05	13.00	Автосаройи	2
106	Саидов Б. к/к	Беруний кўча	1.06	8.00	Автосаройи	3
107	Савинур кеш фирмаси	Ғ.Ғулом кўча	1.06	13.00	Автосаройи	1
108	Хазрати имом масжиди	М.Ашдар кўча	2.06	8.00	Автосаройи	1

109	Кеш ёғдуси фирмаси	Кунчиқар кўча	2.06	13.00	Автосаройи	1
110	Исаев Ҳамкор корзонаси	Фарғона кўча	5.06	8.00	Автосаройи	1
111	Амир Темур к/к	Фарғона кўча	5.06	13.00	Автосаройи	2
112	Бахринисо фирмаси	Янги к/к	6.06	8.00	Автосаройи	2
113	Кеш нур макони к/к	Янги к/к	6.06	13.00	Автосаройи	1
114	Жасмин интертранс к/к	Зингирон кўча	7.06	8.00	Автосаройи	2
115	Одил полвон к/к	И.Йўли кўча	7.06	13.00	Автосаройи	1
116	Оқ йўл татра к/к	Авазмалик к/к	8.06	8.00	Автосаройи	4
117	Шахло фирмаси	Қарапойча к/к	8.06	13.00	Автосаройи	1
118	Ҳимоя адвокатлик корх.	И.Йўли кўча	9.06	8.00	Автосаройи	1
119	Олимжон фирмаси	Некуз кўча	9.06	13.00	Автосаройи	1
120	Юсупов Н. фирмаси	Қарасув к/к	12.06	8.00	Автосаройи	2
121	Содиқ нур баралла к/к	Т.Боходир кўча	12.06	13.00	Автосаройи	2
122	Махоббат курилиш к/к	Хожимайдон к/к	13.06	8.00	Автосаройи	3
123	Марям ўғли фирмаси	И.Йўли кўча	13.06	13.00	Автосаройи	3
124	Юсупова Нафиса ф/х	М.Абдурахмонов	14.06	8.00	Автосаройи	1
125	Юсупов Асадбек к/к	И.Йўли кўча	14.06	13.00	Автосаройи	5
126	Иймон хусусий савдо ф.	Беруний кўча	15.06	8.00	Автосаройи	4
127	Бахтиер МЧЖ	И.Йўли кўча	15.06	13.00	Автосаройи	2
128	Ғуломов Боходир МЧЖ	Равнақий кўча	16.06	8.00	Автосаройи	1
129	Улуғ тонг фирмаси	Аспижаллоб кўча	16.06	13.00	Автосаройи	3
130	Ражаб бобо ишлаб чиқ.	Чорки к/к	19.06	8.00	Автосаройи	1
131	Зафар МЧЖ	Авазмалик к/к	19.06	13.00	Автосаройи	1
132	Кеш Азиз шифо х/к	И.Йўли кўча	20.06	8.00	Автосаройи	3
133	Лутф-иншоат МЧЖ	И.Йўли кўча	20.06	13.00	Автосаройи	1
134	Кеш Дилрабо МЧЖ	Ғ.Бобоёров кўча	21.06	8.00	Автосаройи	1
135	Хумдон фирмаси	И.Йўли кўча	21.06	13.00	Автосаройи	1
136	Фароғат фирмаси	Ш.Азизов кўча	22.06	8.00	Автосаройи	1
137	Шахрисабзлойиха МЧЖ	Низомий кўча	22.06	13.00	Автосаройи	2
138	Носиров Тура к/к	Некус кўча	23.06	8.00	Автосаройи	3
139	Лутф шижоат МЧЖ	И.Йўли кўча	23.06	13.00	Автосаройи	1
140	Примов Иброхим ф/х	Шовкан к/к	26.06	8.00	Автосаройи	1
141	Абдуллаев Қодир к/к	Шаматон к/к	26.06	13.00	Автосаройи	1
142	Хайёд ишлаб чикариш	И.Йўли кўча	27.06	8.00	Автосаройи	1
143	Норуда инвест МЧЖ	И.Йўли кўча	27.06	13.00	Автосаройи	1
144	Ахмедов Актам МЧЖ	И.Йўли кўча	28.06	8.00	Автосаройи	1
145	Маъданий мерос обект	И.Йўли кўча	28.06	13.00	Автосаройи	1
146	Духчи жахон кувончи	Духчи к/к	29.06	8.00	Автосаройи	4
147	Кеш плюс сервич МЧЖ	Духчи к/к	29.06	13.00	Автосаройи	1
148	Бошка кичик корхоналар		30.06	8.00		

ЖАДВАЛ ТУЗДИ:

Шахрисабз тумани ИИБ ЙҲХБ бошлиғи капитан **Ф.Овлаев**